

А Ж Р И М

2022 йил август ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди Беруний МФЙ биносида очик сайёр суд мажлисида;

раислик қилувчи Б.Мамажонов

судья ёрдамчиси – А.Иргашевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Фарғона туман прокурорининг ёрдамчиси М.Эрматов, Н.Юлдашевнинг ҳимоячиси-адвокат О.Мелибоевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан Юлдашева Наргиза Акрамовнага оид 1-1502-2202/394-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Юлдашева Наргиза Акрамовна, 1980 йил 30 ноябрь куни Фарғона туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам судланмаган, депутатликка сайланмаган, Фарғона тумани Беруний МФЙ Беруний кўчаси 11-уйда яшайди.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг аризаларини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки терговга қадар текширув ҳужжатларига кўра, гумон қилинувчи Н.Юлдашева ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида 2022 йил 02 июль куни “Тико” русумли автомашинада йўловчи сифатида кетаётган жабрланувчи Н.Мўминовага тегишли “Редми Нот 10” русумли телефон апаратыни яширин равишда талон-торож қилган.

Жабрланувчи Н.Мўминова судга ариза билан мурожаат этиб гумон қилинувчи Н.Юлдашева билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлиги етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги гумон қилинувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини ярашув оқибатлари тушунтирилганлигини билдириб жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи Н.Юлдашева судга ариза билан мурожаат этиб айбига тўлиқ иқрорлиги чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳозирда жабрланувчи билан ихтиёрий равишда ярашиб олиб моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд, гумон қилинувчи Н.Юлдашева ва жабрланувчи Н.Мўминованинг ярашув аризаларини ўрганиб чиқиб, прокурор М.Эрматов ва адвокат О.Мелибоевларнинг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб жиноят ишини тугатиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини тугатишни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 585-586-моддалари амал қилиб



А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Юлдашева Наргиза Акрамовна, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Юлдашева Наргиза Акрамовнага нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жабрланувчи Н.Мўминовага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида у томонидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилгани тушунтирилсин.

Суднинг ажримига гумон қилинувчи, жабрланувчи ҳимоячи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Б.Мамажонов



**JINOYAT ISHLARI BO'YICHA
FARG'ONA TUMAN SUDI**
150400, Farg'ona tumani, Buloqboshi
ko'chasi



**CRIME COURT OF
FERGHANA DISTRICT**
150400, Ferghana district, Buloqboshi
street

Tel: (+998) 73-353-10-96

e-mail: j.fargona.t@sud.uz

№ 1-1502-2202/394
“4” август 2022 йил

Фарғона туман прокурори адлия
маслаҳатчиси
О.Ахраровга

нусхаси: " Равнақ Ҳимоя " адвокатлик
бюроси раҳбари
О.Мелибоевга

Жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 1-қисми билан Юлдашева Наргиза Акромовнани айбланиш ҳақидаги жиноят ишлари биринчи инстанция судида кўришлик 2022 йил 5 август куни соат 09:00 га Фарғона тумани суди, Фарғона тумани Беруний МФЙ биносига, очиқ сайёр суд мажлисига тайинланган.

Сиздан судда давлат айбловини қувватлаш учун прокурорнинг иштирокини таъминлашингизни сўрайман.

Дастлабки терговни Фарғона вилояти, Фарғона туман ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими суриштирувчиси катта лейтенант Д.Йўлдошева олиб борган.

Судья

Б.Мамажонов



Суд мажлисининг баённомаси

2022 йил август ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди Беруний МФЙ биносида очик сайёр суд мажлисида бўлиб

раислик қилувчи: Б.Мамажонов

судья ёрдамчиси – А.Иргашевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Фарғона туман прокурорининг ёрдамчиси М.Эрматов, Н.Юлдашевнинг ҳимоячиси-адвокат О.Мелибоевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан Юлдашева Наргиза Акрамовнага оид 1-1502-2202/394-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, кўриладиган ишни эълон қилди ва тарафларнинг суд мажлисига келган-келмаганликлари ҳақида ахборот бериш учун суд мажлиси котибига сўз берди.

Суд мажлиси котиби суд мажлисига Фарғона тумани прокурорининг ёрдамчиси М.Эрматов, адвокат О.Мелибоев, гумон қилинувчи Н.Юлдашева ва жабрланувчи Н.Мўминоваларнинг келганлиги ҳақида ахборот берди.

Раислик қилувчи суд таркибини яъни раислик қилувчи Б.Мамажонов, суд мажлиси котиби судья ёрдамчиси А.Иргашев, прокурор Фарғона тумани прокурорининг ёрдамчиси М.Эрматов, адвокат О.Мелибоевни таништириб, тарафларга рад қилиш ҳуқуқларини тушинтириб ўтди.

Суд таркиби ва суд мажлиси иштирокчиларига рад қилишлар бўлмади.

Раислик қилувчи гумон қилинувчи Н.Юлдашевани шахсини аниқлади.

Юлдашева Наргиза Акрамовна, 1980 йил 30 ноябрь куни Фарғона туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам судланмаган, депутатликка сайланмаган, Фарғона тумани Беруний МФЙ Беруний кўчаси 11-уйда яшайди.

Раислик қилувчи гумон қилинувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасида кўрсатилган, жабрланувчига ЖПКнинг 55-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчларини тушунтирди.

Раислик қилувчи саволига гумон қилинувчи Н.Юлдашева.

-Менга процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларим тушунарли.

Раислик қилувчи саволига жабрланувчи Н.Мўминова.

-Менга процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларим тушунарли.

Раислик қилувчи тарафларда қўшимча ва илтимослар бор йўқлигини аниқлади.

Тарафларда қўшимча ва илтимослар бўлмади.

Раислик қилувчи жиноят ишини томонларнинг ўзаро ярашувига кўра юбориш ҳақидаги қарорни, гумон қилинувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг ярашув ҳақидаги аризасини ўқиб эшиттириб, уларга навбат билан тушунтириш беришларини таклиф қилди.

Гумон қилинувчи Н.Юлдашеванинг баёноти

Ҳақиқатдан ҳам мен 2022 йил 02 июль куни “Тико” русумли автомашинада йўловчи сифатида кетаётиб жабрланувчи Н.Мўминовага тегишли тушуриб



қолдирилган “Редми Нот 10” русумли телефон аппаратини яширин равишда талон-торож қилган эдим, хозирда жабрланувчи Н.Мўминовага етказилган моддий зарарни қоплаб бердим, ундан кечирим сўрадим, жабрланувчининг менга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқ, шу сабабли менга нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишингизни сўрайман.

Раислик қилувчи саволига

-Жабрланувчига нисбатан ҳеч ким томонидан таъзийқ ўтказилмаган.

-Жабрланувчи билан ўзаро ярашиб олдим, келгусида бундай ишлар бошқа қайтарилмайди.

Прокурор ёрдамчиси М.Эрматовнинг саволига

-Жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопладим уни менга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқ.

-ярашув самимий равишда тузиляпти жабрланувчига нисбатан ҳеч ким таъзийқ ўтказмаган.

Ҳимоячи О.Мелибоевнинг саволига

-Жабрланувчига етказилган моддий зарарларни қопладим, уни менга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқ.

-Жабрланувчидан кечирим сўрадим, унга нисбатан етказилган моддий зарарларни тўлиқ қопладим.

Бошқа саволлар бўлмади

Жабрланувчи Н.Мўминованинг баёноти

-Ҳақиқатдан ҳам Н.Юлдашева 2022 йил 02 июль куни “Тико” русумли автомашинада йўловчи сифатида кетаётиб менга тегишли тушуриб қолдирилган “Редми Нот 10” русумли телефон аппаратимни яширин равишда талон-торож қилган экан, хозирда менга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплади, у билан ярашиб олдим, Н.Юлдашевани кечирдим ва унга нисбатан ҳеч қандай даъвойим йўқ, унга нисбатан юритилаётган жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишингизни сўрайман.

Раислик қилувчи саволига

-Хозирда мени гумон қилинувчига нисбатан даъвойим йўқ. Телефонимни қайтариб олдим.

-Менга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси шартлари ва ярашув оқибатлари тушинарли.

Прокурор ёрдамчиси М.Эрматовнинг саволига

-Гумон қилинувчи билан ўз ихтиёрим билан ярашиб олдим, ҳеч ким томонидан таъзийқ ўтказилмади.

-Менга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланди.

Ҳимоячи О.Мелибоевнинг саволига

-Гумон қилинувчи Н.Юлдашевага нисбатан ҳеч қандай даъвойим йўқ.

Бошқа саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи ҳимоячи О.Мелибоевни жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақида фикрини олди.

Ҳимоячи О.Мелибоевнинг фикри

-Ҳурматли раислик қилувчи, мана бугун суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан билан гумон қилинувчи



Н.Юлдашевага нисбатан бўлган жиноят ишини кўриб яқунламоқдамиз, суд мажлисида гумон қилинувчи ва жабрланувчи ариза-талабнома билан мурожаат қилишиб, ярашиб олишганликларини билдиришиб, ярашувларини тасдиқлашни суддан сўрашди, шу ўринда ҳимоям остида бўлган Н.Юлдашева жабрланувчига етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ихтиёрий равишда жабрланувчи билан ярашиб олишганлигини инобатга олиб, уларни ярашувларини тасдиқлаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ҳимоям остида бўлган Н.Юлдашевага нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишингизни сўрайман.

Раислик қилувчи прокурор ёрдамчиси М.Эрматовни жиноят ишини ярашув аосида тугатиш ҳақида хулосасини олди.

Прокурор хулосаси: Мазкур жиноят иши бўйича гумон қилинувчи Н.Юлдашева жабрланувчи билан ўзаро ярашиб олганлигини, моддий зарар қопланганлигини, жабрланувчининг гумон қилинувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ярашув оқибатлари тарафларга тушунарли бўлганлигини инобатга олиб Н.Юлдашевага нисбатан жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 583-моддаси тартибида ЖК 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатишингизни сўрайман.

Раислик қилувчи суд мажлисида ҳозир бўлганларга суднинг алоҳида хонага кириши ҳақида эълон қилди.

Раислик қилувчи алоҳида хонага кириб, чиқишда раислик қилувчи суд ажримини ва хусусий ажримини ўқиб эшиттирди. Шикоят қилиш протест келтириш тартиби муддатини тушунтириб, суд мажлиси баённомаси билан танишиб, мулоҳаза билдириш ҳақида тушинтирилиб, суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.

Раислик қилувчи

Б.Мамажонов

Суд мажлиси котиби

А.Иргашев

